



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI QUMQO‘RG‘ON TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I

Qumqo‘rg‘on tumani, O‘zbekiston shoh ko‘chasi 1-uy. 190900, tel.: (+99876) 46-52-511, qumhok@exat.uz

2021 -yil “30” январ

Қ-143 -son

Qumqo‘rg‘on t.

Вилоят ҳокимининг 2021 йил 25 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2021 йил 18 январдаги 23-сон қарори ижросини таъминлаш ҳақида”ги Қ-49-сонли қарори ижросини таъминлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2021 йил 18 январдаги 23-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2021 йил 18 январдаги 23-сон қарори (кейинги ўринда-Қарор деб юритилади) раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Мазкур қарор билан:

Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси тасдиқланганлиги;

қарорда назарда тутилган тadbирларни молиялаштириш манбалари этиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг хомийлик хайриялари, халқаро молия ташкилотлари, хорижий давлатлар ва бошқа донорлар кредитлари (қарзлар), грантлари ва техник кўмаклашиш маблағлари, қонун ҳужжатларида тақиқланамаган бошқа манбалардан белгиланганлиги инобатга олинсин.

3. “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини 2021-2022 йилларда амалга ошириш бўйича туман ҳокимлигининг “Йўл харитаси” иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими (А.Холтўраев):
2022 йилдан бошлаб ҳар йили 1 декабрга қадар тегишли “Йўл харитаси” бажарилиши яқунларини батафсил ўрганиш асосида кейинги йил учун “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун туман ҳокимлигига киритсин;
тегишли “йўл хариталари”нинг бажарилиши устидан доимий мониторинг олиб борсин.

5. Туман ҳокимининг ўринбосари (Н.Алланазаров) 2021 йил декабрдан бошлаб Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими (А.Холтўраев) томонидан кейинги йил учун берилган “Йўл харитаси”ни кўриб чиқиб, тасдиқлаш учун вилоят ҳокимлигига киритсин.

7. Туман ҳокимининг ўринбосари (Н.Алланазаров), масъул ташкилот ва муассасалар раҳбарлари Концепция ва “Йўл харита”да назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида, сифатли бажарилишига шахсан масъул этиб белгилансин.

8. Туман ҳокимлиги ахборот хизмати (Н.Жумаева), “Кумқўрғон садоси” газетаси (Р.Менгзияева) оммавий ахборот воситаси орқали ушбу қарорнинг мақсад ва вазифаларини кенг ёритиш ташкил этиш тавсия этилсин.

8. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Н.Алланазаров зиммасига юклансин.

Туман ҳокимининг
биринчи ўринбосари



М.Қултаев



Туман ҳокимининг
2021 йил "30" январдаги
А-143-сонли қарорига
илова

**Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини
2021-2022 йилларда амалга ошириш бўйича Қизилқум тумани
"ЙЎЛ ХАРИТАСИ"**

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
I. Ёшларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилишга қаратилган ҳуқуқий базани такомиллаштириш йўналиши					
1.	Давлат идораларида тизимли равишда ёшлар сиёсатига оид статистик маълумотлар юритилишини таъминлаш.	Ёшлар сиёсатига оид статистик кўрсаткичлари 0-30 ёш, 14-30 ёш, 18-30 ёш тоифасида ишлаб чиқиш. Давлат идоралари, ташкилотлар, банклар ва бошқа хўжалик бошқаруви органларида тизимли равишда ёшлар сиёсатига оид статистик маълумотлар юритилишини таъминлаш.	2021 йил март		Туман статистика бўлими, Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими, тегишли ташкилотлар
II. Мамлакатда хавфсизлик, адолат ва экологик барқарорликни таъминлашда ёшларнинг ролини ошириш йўналиши					
2.	Ўрта ҳаётда жиноятчилик кўрсаткичлари ошган ҳолатларида 2021-2022 йилларда жиноятчилик қаратилган алоҳида дастурларни амалга ошириш.	Худудлар кесимида ҳамкорлар чора-тадбирлари	2021 йил март		Туман Ички ишлар бўлими, Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими
3.	Ўсиб келаётган ёш авлоднинг экологик	Амалий чора-тадбирлар	2021 йил	Ташкилотчилар	Ўзбекистон Ёшлар ишлари

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатларини	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
	саводхонлигини ошириш, экологик онги ва маданиятини ривожлантириш мақсадида экологик оромгоҳ ташкил этиш.		IV чорак	ва ҳомийлик хайриялари ҳисобидан	агентлиги туман бўлими, туман Ўрмон хўжалиги бўлими, туман Касаба уюшмалари ташкилотлари кенгаши, туман Экология ва агроф-мухитни муҳофаза қилиш бўлими
III. Ёшларни она Ватанга, оилага, мустақиллик ғояларига муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний кадриятларга хурмат руҳида тарбиялаш йўналиши					
4.	Қаровсиз ва ёлғиз кексаларга ёрдам кўрсатиш, ногирон ва имконияти чекланган фуқароларга кўмаклашишга қаратилган “Ижтимоий волонтерлик” гуруҳларини шакллантириш ва уларни моддий рағбатлантириб бориш	Амалий чора-тадбирлар дастури	2021 йил апрель	Туман Бандликка кўмаклашиш маркази	Туман Бандликка кўмаклашиш маркази, тегишли ташкилотлар
5.	Ёшларни она Ватанга, мустақиллик ғояларига муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний кадриятларга хурмат руҳида тарбиялаш мақсадида туманнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда алоҳида йиллик дастурлар ишлаб чиқиш.	Халқ депутатлари туман Кенгаши қарори	2021 йил август		Халқ депутатлари туман Кенгаши, Республика Маънавият ва маърифат туман бўлими, Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими, тегишли ташкилотлар
IV. Ёшларга муносиб меҳнат шароитларини яратиш, уларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўналиши					
6.	“Ёшлар дафтари” юритилиши тизимини электронлаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш	Ижрочиларни чора-тадбирлар дастури	2021 йил март		Туман Бандликка кўмаклашиш маркази, Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими, сектор раҳбарлари
7.	“Ёшлар: 1+1” дастури доирасида уюшмаган ва ишсиз ёшларни касб-хунар ва	Ижрочиларнинг чора-тадбирлар дастури	2021 йилдан бошлаб доимий	Бандликка кўмаклашиш	Савдо-саноат палатаси туман бўлими, “Хунарманд”

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
	тадбиркорликка ўқитиш. Шунингдек, “Хунарли киши хор бўлмас” ғояси асосида уста хунарсандлар кўлида ишсиз ёшларга касб-хунар ўргатиш мақсадида “устоз-шогирд” анъанасини янги тизимда жорий этиш.			давлат жамғармаси маблағлари	уюшмаси, Бандликка кўмаклашиш маркази, Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими.
8.	“Хар бир тадбиркор - ёшларга мадаккор” тамойили асосида кўнгилли тадбиркорларни жалб этган ҳолда 1 нафар тадбиркорга 1 нафардан ишсиз ёшларни бириктириш ташаббусини амалга ошириш.	Ижрочиларнинг чора-тадбирлар дастури	2021 йилдан бошлаб доимий		Савдо-саноат палатаси туман бўлими, Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими
9.	Ёш тадбиркорлар фаолиятини кўллаб-қувватлаш мақсадида кўرғазмали савдо ярмаркаларини ташкил этиш.	Ёш тадбиркорлар фаолиятини кўллаб-қувватлаш мақсадида камидан 10 та кўрғазмали савдо ярмаркалари ташкил этиш	2021-2022 йиллар	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети	Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими, Савдо-саноат палатаси туман бўлими
10.	Ёш тадбиркорларнинг тадбиркорликка оид халқаро кўрғазма ва анжуманларда иштирок этишлари учун зарур шароитлар яратиш.	Ҳамкорлик тадбирлар режаси	2021-2022 йиллар	Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими ва ҳомийлик хайриялари хисобидан	Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими, Савдо-саноат палатаси туман бўлими, тегишли ташкилотлар
11.	Ёшларни тадбиркорлик ва ишбилармонликка кизиштириш ҳамда уларга бундай фаолиятни йўлга қўйишнинг амалий жиҳатларини ўргатиш мақсадида жойлардаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ташкилотларига бизнес саёхатлар ташкил этиш.	Ёшларни тадбиркорлик ва ишбилармонликка кизиштириш ҳамда уларга бундай фаолиятни йўлга қўйишнинг амалий жиҳатларини ўргатиш мақсадида жойлардаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ташкилотларига ўргатиш мақсадида тумандаги	2021 йилдан бошлаб хар йили йил давомида	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети	Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими, Савдо-саноат палатаси туман бўлими, тегишли ташкилотлар

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатларини	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ташкилотларига бизнес саёхатлар ташкил этиш.			
	V. Ёшларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, ёшларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, улар ўртасида китобхонликини тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлашга қаратилган “Беш муҳим ташаббус”ни амалга ошириш йўналиши				
12.	2021 йил якунига қадар рақамли технология ўқув марказини ташкил этиш.	Манзилли чора-тадбирлар режаси	2021 йил июнь	Ахборот технологиялари вазирлиги маблағлари	Туман ҳокимлиги, тегишли ташкилотлар
13.	Музыка мактаби, болалар ва ўсмирлар спорт мактабини тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш, уларни эҳтиёжни аниқлаш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш	1. Таълим муассасаларини моддий-техник базасини инвентаризациядан ўтказиш 2. Моддий-техника базасини мустаҳкамлашнинг 5 йиллигини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	2021 йил 21 март 2021 йил апрелдан дастур асосида	Ўзбекистон Республикаси маҳаллий бюджети	Туман Маданият бўлими, туман Жисмоний тарбия ва спорт бўлими, Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими
14.	Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш мақсадида ҳафтанинг ҳар шанба кунинда “Велосипед билан бир кун” ижтимоий ҳаракатини амалга ошириш.	Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш мақсадида ҳафтанинг ҳар шанба кунинда “Велосипед билан бир кун” ижтимоий ҳаракатни амалга ошириш.	2021-2022 йиллар	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети	Туман Жисмоний тарбия ва спорт бўлими, Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман Кенгаши, тегишли ташкилотлар
15.	“Қамалак юлдузлари”, “Йилнинг энг фаол ёшлар етакчиси”, “Йил сардори”, “Талабалар фестивали”, “Интеллектуал ўйинлар” ҳафталиги, “Йил талабаси” сингари	Амалий чора-тадбирлар	Доимий	Ижрочиларнинг маблағлари ҳисобидан	Туман маданият бўлими, Ўзбекистон ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими туман халқ таълими бўлими

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
16.	<p>кўрик- танлов ва мусобақаларни ташкил этиш ва юқори савияда ўтказиш.</p> <p>“Абдулла Орипов издошлари”, “Ўткир Хошимов асарлари билимдони”, “Ботир Зокиров санъати давомчилари” кўрик- танловларининг туман bosкичларини ташкил этиш ва ғолибларни вилоят ва республика bosкичига иштирок этишини таъминлаш</p>	Амалий чора- тадбирлар	2021 йил давомида	Ижрочиларнинг маблағлари хисобидан	Туман маданият бўлими, Ўзбекистон ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими туман халқ таълими бўлими, тегишли бўлим ва ташкилотлар
17.	Миллий халқ ўйинлари, рақслари ва кадриятларини тарғиб қилишга қаратилган Халқаро “International Drum & Dance” фестивалини ўтказиш	Амалий чора- тадбирлар	2021 йил март	Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Кенгаши, Ўзбекистон хамкор ташкилотлар маблағлари	Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман кенгаши, Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими, Туман маданият бўлими
VI. Ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бор ёшлар, меҳрибонлик уйида тарбияланган, етим болалар, боқувчисини йўқотган ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни қўллаб қувватлаш йўналиши					
18.	<p>Ногиронлиги бор ёшларнинг худудлардаги инфратузилма, таълим, ижтимоий хизмат кўрсатиш, маданий мерос объектлари, кўнгилочар жамоат масканларидан фойдаланиши учун bosкичма-bosкич шарт- шaroитлар яратиш чораларини куриш.</p>	Худудлар кесимида режа-жадвал ишлаб чиқиш ва амалга ошириш	2021 йил август	Ўзбекистон Республикаси маҳаллий бюджети	тегишли бўлим ва ташкилотлар
19.	Олий таълим муассасаларида тўлов шартнома асосида таълим олаётган чин етим, ногирон, ота-онаси ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган ҳамда меҳрибонлик уйида тарбияланган, боқувчисини йўқотган талабаларга тўлов шартнома маблағларини 50 фоиз миқдорда тўлаб бериш мақсадида “Ёшлар таълим гранти” лойиҳасини ташкил этиш.	Ижрочиларнинг қушма қарори	2020-2021 уқув йил	Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими, хомийлик хайриялари хисобидан	Ўзбекистон ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман кенгаши, тегишли бўлим ва ташкилотлар
VI. Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ёшлар жамоат ташкилотлари ва волонтерлик ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш йўналиши					

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
20.	Вилоятдаги олий таълим муассасаларида волонтерлик марказлари фаолиятини йўлга қўйиш	Амалий чора-тадбирлар	2021 йил август	Олий таълим муассасалари маблағлари	Ўзбекистон Ешлар ишлари агентлиги туман бўлими